## Осиё ва Шарқий Европада ягона

Тошкентдаги минтақавий банк ўқув маркази қошида банкларда фаолият юритаётган ёш, иқтидорли кадрларнинг жаҳон андозалари даражасида мутахассис бўлиб етишишлари учун махсус банк ўқуви ташкил қилинди. Тақдимот маросими Тошкентдаги минтақавий банк ўқув маркази биносида бўлиб ўтди. Мазкур ўқув лойиҳасини Германия техник ҳамкорлик жамияти ишлаб чиққанди. Франкфурт банк академияси ҳамда ривожланаётган мамлакатлар банк ва молия соҳаси кадрларининг малакасини оширишга ихтисослашган Берлин АБГ Консалт ташкилоти ўқув марказини ташкил этишда ҳамкорлик қилди.

Тошкентдаги минтақавий банк ўқув марказининг таъсисчилари Европа Тараққиёт ва тикланиш банки, Туркия банклар уюшмаси, Ўзбекистон тижорат банклари, Тожикистон ва Қирғизистон банклари эканлиги, унинг салоҳияти нечоғли баландлигини билдиради. Шунингдек, минтақавий банк ўқув марказини ташкил этишда ТАСИС (Европа иттифоқи комиссияси) маблағлари доирасида Европа ҳамжамияти ҳам ҳамкорлик қилди. Ўқув маркази қошида ташкил қилинган ўқув банки нафақат Ўрта Осиё, балки Шарқий Европада ҳам ягона ҳисобланади.

*Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли*

## Самарқанднинг баланд хирмони

Вилоят ғаллакорлари давлат шартнома режасини ошиғи билан уддаладилар.

—Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни 45 центнерга, умумий тоннани эса 500 минг тоннага етказамиз, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Бердали Бердимуродов. — Пойариқ, Каттақўрғон, Пастдарғом каби туманлар ғаллакорлари гектаридан 45-50 центнердан ҳосил олишди. Яна 45 минг тонна уруғлик тайёрлаш учун астойдил меҳнат қилинмоқда.

Саттор Абдуғаниев, Ширинбой Худойбердиев, Ҳидоят Болтаева каби юзлаб бригада ва оилавий пудратчилар ҳосилдорликни 90-95 центнерга етказдилар.

Ғалла ўрилган майдонларда такрорий экинлар экиш бошлаб юборилди.

*Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Академиянинг янги аъзолари

Ўзбекистон Бадиий академиясида академиянинг янги аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев қатнашди ва йиғилганлар ҳамда академия аъзолигига қабул қилинганларни юксак муваффақият билан қутлади.

Тинимсиз изланиш ва маҳоратларини ҳисобга олган ҳолда Б.Бобоев, Л. Ибрагимов (график рассом), Й. Турсунназаров (ранг тасвирчи), Ш. Мўминова (кулол-рассом), А. Умаровлар — ҳақиқий, М. Саидов (рангтасвирчи), О. Файзуллаев (ёғоч ўймакор)лар — фахрий аъзоликка қабул қилиндилар.

*Абдумалик ШОПЎЛАТОВ*

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### Ҳиллари Клинтон ўз номзодини қўймоқчи

АҚШнинг биринчи хоними Ҳиллари Клинтон сенат сайловлари сари илк қадамини ташлади. Федерал сайлов комиссияси хабарига кўра, АҚШ Президентининг рафиқаси сайлов учун лозим бўлган барча ҳужжатларни топширган ва энди тайёрлов комитетини ташкил этиши мумкин. Мазкур комитет 2000 йилдаги сайловлар учун номзодлар қандай имкониятларга эгалигини аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш билан шуғулланади.

Ҳиллари хоним ўзининг сайловда иштирок этиши борасида ҳозирча ҳеч қандай қарорга келгани йўқ. Борди-ю у иштирок этгудек бўлса, Нью-Йорк шаҳри мэри, республикачи Руди Жулиани унинг асосий рақибига айланиши мумкин.

### Навбатдаги иркий камситишлар

Қўшма Штатларда ирқий асосдаги навбатдаги жанжал чиқди. Индиана штатининг Блумингтон шаҳрида корейс черковида бир киши ўлдирилди. Гувоҳларнинг айтишича, черков ёнида бир қуролли киши автомобилда ўтирган экан. Одамлар черковдан чиқаётган пайтда ўт очган. Полиция вакилининг хабарига кўра, автомобилда ўтирган киши ўтган жума ва шанба кунлари Чикагода отишма ташкил қилган ва бунда битта қора танли кишини ўлдирган ҳамда олтита яҳудийни ва Осиёдан келган бир кишини ярадор қилган. Тахмин қилинишича, ўқ отган киши оқ ирқчи гуруҳларнинг вакили экан.

### Коммюнике эълон қилди

Россиянинг Анголадаги элчихонаси УНИТА ташкилоти фаолларини россиялик учувчиларни озод этишга ундаб коммюнике эълон қилди. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича, Россия ташқи ишлар вазирлиги УНИТАдан, аниқроғи, унинг раҳбари Жонас Савимбидан ушбу масалага инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошишни ва рус учувчиларини тезроқ озод этишни сўраган.

УНИТА 12 май ва 30 июнь куни Россиянинг иккита самолётини уриб туширгани ва учувчиларнинг биттаси қурбон бўлиб, еттитаси асир олинганини эътироф этган ҳолда, тутқунликда турганлар Россия ҳарбий қўшинларининг ёлланган кишилари эканини ва уларни судга топширажагини айтмоқда.

### Ёрдам пули ажратилади

Жаҳон банки Албанияга 400 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули ажратишини маълум қилди. Ёрдам пули Албанияда турли муассасаларни ташкил этишга, инфраструктурани ривожлантириш ва банклар фаолиятини яхшилашга сарфланади. Бундан ташқари, мазкур ёрдам орқали таълим, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ислоҳотлар олиб бориш ҳамда мамлакатдаги қашшоқликка барҳам бериш кўзда тутилган.


**Ватанни севмак иймондандур!**

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1999 йил 8 июль, пайшанба • № 79 (24.474).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг мажлиси тўғрисида ахборот

1999 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Қуролли Кучлар ва чегара қўшинларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши, республикамиз ҳудудининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди. Бунда мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қила оладиган ҳаракатчан, яхши жиҳозланган қўшилмалар ва қисмларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Қўшинларнинг ҳудудий бошқарув тизимини такомиллаштириш, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминловчи тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишлари, қўшилмалар ва қисмларни белгиланган манзилларда қулай шарт-шароитлар яратиб жойлаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлиги ва уларни қайта тайёрлаш, қўпорувчи-террорчи гуруҳлар ва бошқа жиноий тажовузлардан давлатимиз сарҳадларини ишончли равишда ҳимоя қилиш ва қўриқлаш масалаларига доир чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*(ЎзА).*

## Мустақиллик манзаралари



*Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

# Қабоҳатдан асрайлик!

Кўз ўнгимизда портлаш содир бўлди. Тинч ва осойишта ҳаётимизга тажовуз қилинди. Фарзандларимиз, оиламиз, кўркли хонадонларимизга қарата ўқ отилди. Бу ўқ, бу портлаш Истиқлол мамлакатининг тараққиётига, келажагига қаратиб отилди. Ўзини, элини таниган, оёққа қалқиб, қаддини, кўкрагини озод кўтараётган одам учун таҳлика эди бу.

Ҳушёр тортдик. Ғаним оёғимиз остидан чиқди. Не-не улуғларимиз, миллатнинг шаън-шавкати деб ўзини ўтга-чўққа урган боболаримиз орзу қилган озодлик кўксига тиғ санчмоқчи бўлдилар. Шу заминнинг суви, тузи, ҳавоси ҳаққи-ҳурмати ўзбек халқининг мустамлака қамчиларининг изи қолган елкасига офтоб тегиб, мунаввар осмонимизда эрк қуёши чарақлаган паллада яна бизни зулмотга, зимистонлик сари чорлаган ёвузларнинг асл мақсадлари ошкора бўлди.

Истиқлолгача дарёларимизда тўлиб қонлар оққан эди. Муте, қадди дол ўзбекнинг қўлига бир парча нон узатиб, оёғига кўринмас кишан солдилар. Ўзи яратиб, ўзгаларни кийдирган халқни боқиманда дедилар. Бош кўтарганнинг бошини олдилар. Қуллик занжирига қарши исён қилганларни отдилар. Шу халқ униб ўсмасин, фикри равшан тортмасин дедилар, ўз йўлини топмасин, шаклан озод, мазмунан империянинг қули бўлиб қолсинлар, биз уларнинг бўйнига арқон солиб хоҳлаган йўлимизга бошлайлик, деб ният қилдилар. Халқни вақти-вақти билан далалардай шудгорлаб, фикри, ўрни, бўйи баландроқларини каллаклаб, текислаб турдилар. Бу қабиҳ ниятларига маълум маънода эришдилар ҳам. Лекин ҳар

### Огоҳликка даъват

бирининг интиҳоси бор. Зулумот ортида ёруғлик, жаҳолат ортида адолат муқаррардир. Халқ озод бўлди. Истиқлолга эришди. Бундан кўра инсон боласи учун олий неъмат йўқ.

Бугун гуллаётган юртимизга тош отганлар миллат бўлиб бириккан инсонларнинг кўксига тиғ санчди. Ўз қавмини қонга бўяди. Ёруғлик тушган чеҳраларга тун пардасини ёпдилар. Халқнинг кўксидан отилган оҳу фарёд, нафрат бўғизларга тиқилган йиғи, нигоҳлардаги унсиз ғамдан мен ўз озодлигимни, ўз Ватанимни, ўз хонадонимни сен разилларга бериб қўймайман, Президентимиз айтганлари каби фарзандларимизни сенларга топширмаймиз, деган нолани англаш мумкин. Чунки бу нонкўрларга миллат, Ватан, оила, келажак туйғулари бегона. Улар Истиқлол деб курашган боболаримиз руҳини чирқиратгани етмаганидек, Ватанни мустақил этган ва шу йўлда бир-бирига оға-ини бўлиб, қон-қардош бўлиб меҳнат қилаётган замондошларига ҳам хиёнат қилдилар. Озодликка чанг солган қўллар чирийди, халқни қаро кунда кўрмоқчи бўлган кўзлар оқиб тушади, Ватанини сотганларни на ер ости, на ер усти кўтариб туришга ҳазар қилади.

Гоҳо дилимни бир нарса ўртайди. Бирлаш, мушт бўл, Ўзбекистон бўл, халқ бўл, ошнонингни олдирма, ўзингни танит, деб бир-биримизнинг қаддимизга суянч бўладиган пайтимизда ичимиздан чиққан бу ватанфурушлар ёвуз қилмишларининг томири қаерга бориб туташган? Уларда замин туйғуси, Ватан ҳисси, халқни ҳурмат қилиш деган улуғ тушунчалар бормикан? Ўз Ватанига бир тошчалик ёхуд бир чўпчалик нафи тегмаган бу ғаламислар келажак авлод олдида ўзларини нима деб оқлашарканлар? Улар наҳотки ўзларини шу халққа мансуб деб ўйласалар? Халқ бошига қирғин солганларнинг мен шу халқнинг вакилиман дейдиган тиллари куймайдими?

Оғир ўйлар... жавобсиз саволлар...

Тўғри, кичик оилада бўлгани каби катта Ватаннинг ҳам муаммолари кўп, катта. Аммо бу катта муаммоларнинг ечими ҳеч қачон қон тўкиш, одам ўлдириш билан ҳал қилинмайди. Ҳеч қачон!

Ватанга қўл кўтариш ватандошларга қўл кўтариш, онага қўл кўтариш билан баробар. Илоҳо, болаларимизни шундай қабоҳатдан Оллоҳнинг ўзи асрасин. Қўлимиздан келганча ўзимиз асрайлик!

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# Иқтисодиётни эркинлаштириш

### Барқарорлик шартлари

**1. Илк қадамлар**

Мустақиллик шарофати туфайли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб олдик. Зеро, бу йўл умумбашарий бўлиб, бизнинг миллий манфаатимизга мос келади. Биз «ўзбек модели»га таяниб тадрижий ислоҳотлар йўлидан бордик, уларни босқичма-босқич амалга оширдик, босиб ўтилган йўлга холисона баҳо бериб, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини белгилаб олдик. Шулардан бири иқтисодиётни эркинлаштиришдир.

Истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ тоталитар режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бордик. Хилма-хил мулкчиликка асосланган кўп укладли иқтисодиёт шакллана борди. Илгари ҳамма нарса давлатники бўлса, эндиликда хусусий мулк, жамоа мулки, ҳиссадорлар мулки, пайчилик мулки, қўшма мулк, бизнес, ишбилармонлик, тадбиркорлик, хориж капитали деган тушунчалар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётимизда нодавлат сектори кенг кўлам касб этди. Унинг таркибида хусусий, ижара, жамоа корхоналари, кооперативлар, ширкатлар, ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилда нодавлат секторида Ўзбекистонда яратилган соф маҳсулотнинг деярли 75 фоизи яратилди. Бултур шу секторга жами капитал инвестицияларнинг 57 фоизи ётқизилди, ишга туширилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг 62,7 фоизи нодавлат секторига тегишли. Корхоналар давлат тазйиқидан ҳоли, қандай маҳсулот чиқаришини, даромадни қандай тақсимлаш ва сарфлашни ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳал этмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш туфайли хусусий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу, сўзсиз, бизнинг ютуғимиз. Лекин бу билан чеклана олмаймиз, чунки иқтисодиётимизни янада эркинлаштириб, демократия тамойилларига кенг йўл очилгандагина бозор муносабатлари мустаҳкам қарор топади.

**2. Ҳаётий зарурат**

Президентимиз олға сурган иқтисодиётни эркинлаштириш ғояси чуқур илмий қоидаларга асосланади ва бозор иқтисодиётининг туб моҳиятини инобатга олади. Биз тоталитар режали иқтисодиётдан бозор тизими сари борар эканмиз, бу йўл табиатига кўра эркин, демократик бўлишини, унга хос белгиларни бозор ислоҳотларини жорий этиш орқали барпо этилишини ёддан чиқариб бўлмайди. «Ўзбек модели»нинг эътиборли томонларидан бири шуки, у ўтиш даврида бозор иқтисодиёти жараёнларига албатта давлат бош-қош бўлиши керак, деган хулосага таянади. Давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодий эркинликни таъминлайди, бу жараён тадрижий равишда ва босқичма-босқич юз беради. Мана, деярли 8 йилдирки, биз эркинлик томон ривожланиб боряпмиз, бунга эса изчил ва собитқадамлик билан ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали эришмоқдамиз.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бирёқлама ва бир кунда бўладиган иш эмас, балки мураккаб ва қийинчиликлар билан кечадиган кўп қиррали жараёндир. Унинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат: мулк ва хўжалик юритиш эркинлигини таъминлаш; давлат нархларидан эркин бозор нархларига ўтиш; бошқаришни давлатдан секин-аста хўжалик субъектларининг ўзига бериш; бозор механизмининг амал қилишига йўл очиш; нимани, қанча ишлаб чиқариш, кимга ва қайси нархда сотиш ва олинган даромадни қандай сарфлашни корхоналар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўзига қўйиб бериш; пул муомаласи бозор қонуниятларига биноан эркин боришига эришиш; ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам маъмуриятчиликдан ҳоли этиш; давлатнинг иқтисодиётга аралашувини бозор қонун-қоидаларига мос меъёрга келтириш ва ҳоказо.

Бу йўналишдаги ўзгаришларни муттасил амалга ошириш мамлакатимизда янгича иқтисодий муҳит яратди. Бозор талабига биноан ишлаш боқимандаликни орқага суриб иқтисодий фаолликка туртки берди. Натижада аввал иқтисодиётни барқарорлаштиришга, сўнгра мана, уч йилдирки, муттасил ўсиб боришига эришилди.

Ҳозирги Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодиётнинг даражаси жиҳатидан 1990 йил кўрсаткичига энг яқин турган мамлакатдир. Эришилган ютуқлар, энг аввало, эркинлаштиришдаги собитқадамликдир. Аммо иқтисодиётни янада ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш эркинлаштиришни узлуксиз жараёнга айлантиришни тақозо этади.

**3. Иқтисод таянчи**

Иқтисодиётни эркинлаштириш аввало янгича мулкларни яратиш ва ривожлантиришни билдиради. Ҳозир Ўзбекистондаги нодавлат секторида 167 мингдан зиёд корхона, 24 минг фермер хўжалиги ва деярли 3 миллион деҳқон хўжалигининг ўз эгалари бор. 2 миллиондан зиёд аҳоли уй-жой эгасига айланди, 450 минг кишидан иборат акциядорлар бўлиб, улар қимматли қоғозлар мулкдорини ташкил этадилар. Хуллас, илгари мулк давлат қўлида тўпланса, энди у халқ орасида диффузиялашди, яъни тарқалди. Хусусий мулк ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди, уни давлат қонун йўли билан кафолатлайди, ўз ҳимоясига олади. Тоталитар тизим даврида эса хусусий мулк тақиқланган эди, унга интилиш эскиликка талпиниш деб қораланди, унинг соҳиблари синфий душман сифатида йўқ қилиб юборилди. Энди замонлар ўзгарди, ота-боболаримиз авайлаб келган ва ардоқлаган хусусий мулк қарор топмоқда.

Аммо янги мулкчиликнинг шаклланиши якунланганича йўқ. Ваҳоланки, бу иқтисодий эркинликнинг асосий шарти. Чунки, мулксиз киши иқтисодий жиҳатдан мустақил эмас, унда мулкий манфаат йўқ, шу боис у иқтисодий фаол бўла олмайди. Аксинча мулк соҳиби қўл учида ишламайди, ўз мулкини, бойлигини ошириш учун астойдил ҳаракат қилади. Мулк эгалари алоҳида ижтимоий гуруҳни — мулкдорлар синфини ташкил этади. Мана шундай синфни шакллантиришни йўлбошчимиз бир неча бор муҳим вазифа сифатида ўртага ташлади. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида бу масалага яна қайтиб шундай дейди: **«Биринчи галдаги асосий вазифа — мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни — хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак»**. Мулкдорда мулкий манфаат ва мулкий масъулият фақат шундай шароитдагина мужассамлашади, шу боис бу синф жамиятнинг энг иқтисодий фаол қатламини ташкил этадики, бозор иқтисодиёти мана шуларга таянади. Бу ўринда, энг аввал, хусусий мулк соҳибларини назарда тутиш керак. Аммо бу мулк бир хил эмас. У, биринчидан, индивидуал, яъни якка соҳибларга тегишли мулк бўлса, иккинчидан, корпоратив хусусий мулкдан иборатдирки, бу акциядорлар-ҳиссадорлар мулкини билдиради.

Ҳозирча бу жараён давом этмоқда. Гап шундаки, аҳоли таркибидаги акциядорлар унинг ишлайдиган қатламининг атиги 3,8 фоизини, ёпиқ жамиятлар акция эгалари эса 3 фоизини ташкил этади. Шубҳасиз, акция мулкдорларини кўпайтириш зарурати бор, аммо акция бозорининг яхши ишламаслиги бунга йўл бермаётир. Натижада аҳолининг сарфланмай қолаётган пул даромади ҳисобидан акциялар сотиб олинмайди, улар аҳоли қўлида ўлик капитал вазифасини ўтаб, ўз соҳибларига даромад келтирмайди. Бундай нуқсонларни бартараф этиб бориш муҳим, чунки аҳоли жамғармасининг инвестицияланмаган, яъни капиталга айланмаган қисми ортиб бориши иқтисодиёт учун номақбул ҳодисадир.

Мулкдорлар синфи ҳақида гап кетганда Президентимиз пайчилар мулкига урғу бермоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки пайчилик муносабати бетакрор мулкчиликни билдиради. Бу «ўзбек модели»нинг муҳим белгиси, деҳқонларни мулк соҳибига айлантиришнинг асосий воситасидир. Деҳқонларга бериладиган пай уларнинг мулкий улуши сифатида уларга даромад-дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Пайчилик мулки Ўзбекистондаги корпоратив хусусий мулкнинг кўринишидир.

Даромад келтирмаган мулк иқтисодий жиҳатдан мулк эмас, чунки мулкдорнинг манфаати амалга ошмайди. Акция ва пай шаклидаги мулк соҳибларида эгалик туйғуларини вужудга келтириш учун мулкий даромад сезиларли бўлиши керак, аммо бунга етишганимизча йўқ, чунки ҳозир бу даромад хонадон даромадининг бор-йўғи 0,4 фоизини ташкил этади. Бунинг асосий сабаби — аҳоли қўлидаги корпоратив мулкнинг катта эмаслигида. Агар иқтисодий эркинлик кўлами кенгайиб, бозор механизми тўла ишга солинса, шубҳасиз рентабеллик ошади, дивиденднинг аҳамияти ортади ва мулкий муносабатлар мустаҳкамланади.

Мулкдорлар синфи деганда, умуман ҳар қандай мулк эгаларини тушуниш нотўғри, чунки истеъмолга ва ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи мулклар борки, уларни фарқлай билиш керак. Ҳозир иш кучи ва барча истеъмол буюмлари аҳолининг мулки, лекин унинг эҳтиёжига қаратилган. Мамлакатимизда 14 миллион нафар катта ёшдаги аҳоли бўлса, унинг қандайдир миқдорда ўз мулки бор, у миллий бойликнинг 20 фоизига тенг, лекин бу истеъмолга хизмат қилади, аммо даромад келтирмайди. Гап бошқа мулк ҳақида кетади, у ҳам бўлса бизнесга хизмат қилувчи мулкдир. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу мулк соҳиблари мустақиллик йиллари деярли 5 миллион нафарга етиб қолди, аммо улар тасаррufидаги мулк катта эмас. Уни кўпайтириш нуқул хусусийлаштириш ҳисобидан бўлади десак, хато қиламиз, чунки у ўзини-ўзи ҳосил этиб туриши зарур. Бунга хусусий даромадларни инвестициялаш орқали эришилади. Чунки шу йўл билан мулк объекти кўпайтирилади. Аммо хусусий инвестициялар кўп эмас, шу билан бирга ҳозирча улар ишлаб чиқаришдан кўра

*(Давоми 2-бетда)*

